

10-10-2019

## A NEW IN TEACHING OF Pupils to Analysis of Artistic Activity Consciousness (in the example of U.Khosimov's "Don't Sleep")

Барно Муҳаммаджоновна Абдурахмонова

*Қўқон давлат педагогика институти педагогика фанлари номзоди, доцент*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Абдурахмонова, Барно Муҳаммаджоновна (2019) "A NEW IN TEACHING OF Pupils to Analysis of Artistic Activity Consciousness (in the example of U.Khosimov's "Don't Sleep")," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 69.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/69>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

**A NEW IN TEACHING OF Pupils to Analysis of Artistic Activity Consciousness (in the example of U.Khosimov's "Don't Sleep")**

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## **ЎҚУВЧИЛАРНИ БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИГА ЎРГАТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ (Ў.ҲОШИМОВНИНГ “БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ” АСАРИ МИСОЛИДА)**

Абдурахмонова Барно Муҳаммаджоновна,  
Қўқон давлат педагогика институти  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада адабиёт ўқитиш таълими соҳасида янгича ёндашувлар асосида бадиий асарни таҳлил қилишга ўқувчиларни ўргатишнинг усуллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** касб-хунар таълими, бадиий асар, асарни таҳлил қилиш, матн билан ишлаш.

**Аннотация:** В статье рассматриваются инновационные методы обучения учащихся анализу художественных произведений на уроках литературы.

**Ключевые слова:** средне-специальное образование, художественное произведение, анализ произведения, работа с текстом

**Abstract:** The article explores ways in which students can be taught to analyze literary work based on new approaches to teaching literature

**Keywords:** vocational education, fiction, work analysis, text work

Касб-хунар коллежлари адабиёт дастуридан ўрин олган асарлар қаторидан таниқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” асари ҳам ўрин эгаллаган. Бу асарни ўрганиш учун ўқув дастурида 4 соат яъни 2 жуфтлик ажратилган. Ўткир Ҳошимов асарларининг мавзу доираси хилма-хил бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий жиҳатдан камол топишида ўзига хос ўринни эгаллайди. Хусусан, адибнинг “Баҳор қайтмайди” асарида илгари сурилган қарашлар, оила мустаҳкамлигини таъминлашда, шахс маънавиятини шакллантиришда, шунингдек меҳр-оқибат, садоқат, инсонийлик сингари қарашларни илгари сурганлиги билан диққатга сазовордир. Аввало адибнинг ҳаёт йўлини ўзи ўқувчиларда меҳнатсеварлик, халқпарварлик, адолатлилик, ватанпарварлик, эътиқодни тарбиялашга хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

Ёзувчининг “Баҳорқайтмайди” қиссаси дарс жараёнида таҳлилэтиларэкан, дарслиқда берилган матн билан ўқитувчи чекланиб қолмаслиги керак. Дарсда асар таркибий тузлишидаги сюжет элементларини алоҳида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Таҳлилни ўқитувчи матнга таяниб олиб боради. Ишни ўқувчилардан асарда берилган бадиий қолиплашга мисол келтиришлари орқали сўрашдан бошлайди. Ўқувчилар асар матнига таяниб бадиий қолиплашга асардан мисол келтирадилар. Ўқувчи: Ҳар хил гаплар бор, - Анвар унга қараб қўйди. – Биттаси менга айниқса ёқади... Бир вақтлари бу ердан катта дарё ўтган, дейишади. Дарё бўйида шаҳар бор экан... Бир куни шаҳарга душман ҳужум қилиб қолибди. Шаҳар одамлари дарёнинг кўпригини бузиб ташлашиб-ди... – У яна Муқаддамга бурилиб қаради. – Дарёнинг кечув жойи бор экан-у, уни шу шаҳардаги икки йигитдан бошқа ҳеч ким билмас. Иккала дўст битта қизни яхши кўришар экан. Қамал бўлмасидан бир ҳафта илгари қиз йигитлардан бирига – ўз севганига теккан экан. Иккинчи

йигит дўстидан қандай қилиб бўлмасин қасос олишга, қизни қўлга киритишга қасам ичган экан. Душман шаҳарни ўраб олиши билан ўша йигит хоинлик қилибди. Дарёдан сузиб ўтиб, душман саркардасига сирни айтибди: “Агар сен рақибимни ўлдириб, севгилимни менга топширишга ваъда берсанг, йўлни кўрсатаман”, - дебди. Саркарда рози бўлибди. Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб олишибди. Қизнинг севгилиси урушда ўлибди. Саркарда хоинни чақириб, май тутибди. “Хизмат ҳаққингни ол!”, - дебди. Хоин май ичиб, охирги тилагини айтибди: “Мен сенинг буйруғингни бажардим. Энди сен ҳам менинг шартимни бажар. Одамларингга айт, севгилимни олиб келишсин”. Саркарда кулиб юборибди. “Севгилингни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичганинг май эмас заҳар! Ўз дўстига хиёнат қилган одам менга дўст бўлолмайди. Сен қон қусиб ўласан!” - дебди. Хоин чиндан ҳам қон қусиб ўлибди[1].

Ўқитувчи ўқувчилаарга бадиий портрет нима? Сиз уни қандай тушунасиз? Асардан Муқаддамнинг портретини топиб ўқиб беринг-чи? мазмунидаги савол билан мурожаат қилиши мумкин. Ўқувчилардан бири бадиий портрет ҳақидаги назарий тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги” да портрет ҳақида шундай фикр юритилган: “адабий қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, кўриниши, кийим-кечаги, хатти-ҳаракати, ўзини тутиши... Адабий образ портретининг икки қирраси мавжуд: образнинг ташқи қиёфаси ва ички индивидуал-психологик қиёфаси”<sup>[2]</sup>. тасвирланади. Қиссадан қуйидаги парчани ўқиб беради:

“ Алимардон уйғонди-ю, ўзидан бир неча қадам нарида турган қизни кўрди. Қиз боши яланг, сочлари турмакланган, оппоқ халат кийган эди. У катак-катак дастурхон ёпилган стол устида биқирлаб қайнаётган ялтироқ стерилизатордан пинсет билан игналарни авайлаб олар, совутиш учун бўлса керак, бир чеккага қўяр эди. Қиз ёнламаси тургани учун Алимардон унинг чеҳрасини яхши кўролмас, аммо деразадан ёғилаётган тонг нурида қирра бурни, силлиқ, хушбичим юзининг бир томони, майин тукли лаблари аниқ кўринарди.

“Муқаддам, - деб ўйлади у қиздан кўз узмай. – Анварнинг куйиб юрганича бор экан”[1].

Ўқитувчи қуйидаги тарқатма материалларни ўқувчиларга тарқатади ва улардан келтирилган парчалардаги тасвир сюжетнинг таркибий қисмларидан қайси бири эканлигини топишларини талаб қилади.

*1-жадвал*

“Яхши бўлмади... – У шифтга бир лаҳза тикилиб ётди-да, ўзига тасалли берди. – Нима бўпти?! Қизлар ҳам мард йигитларни яхши кўради. Ўша латтадан кам жойим борми?!”

*2-жадвал*

...Шу куни тушда Иқбол хола ош олиб келганда Алимардон у билан совуққина саломлашди. Анварни сўрамади ҳам...

*3-жадвал*

Мен уйланыпман, - деди у хотиржамлик билан.

Анвар ярқ этиб бурилиб қаради. У севинишдан кўра кўпроқ хайрон қолди.

Кўйсанг-чи ҳазилингни!

Алимардоннинг юзида яна ўша қув табассум қалқиди.

Ҳазили йўқ, - деди совуққина қилиб.

Шайтон-ей, нега айтмадинг? – Анвар энди ишонди. – Қачон? Кимга?

Алимардон ҳозир унинг юрагига бигиз санчишидан завқланар, ич-ичидан тошиб келган кулгисини аранг босиб турарди. Овозини иложи борича бепарво қилиб, қошини чимирди.

Муқаддамга...

*4-жадвал*

А?! Қайси Муқаддам? – Даҳшатга тўлиқ қисқа бир ҳайкириқ ҳавода фарёд солди.

– Қайси Муқаддам?

Анвар оёқларининг учигача музлаб кетганини ҳис қилиб, Алимардоннинг бепарво кўзларидан маъно қидириб қолди. Алимардон тагин бир марта кулиб қўйди.

Ўша ўзинг билган Муқаддам-да! – У оёғининг учида кескин бурилиб кетаверди.

*5-жадвал*

Ўзинг биласан, ҳазилни ёмон кўраман. Анвар унинг чиндан ҳам беҳазил гапираётганини тушунди. Биров бехосдан «онанг ўлди», деганда киши қандай аҳволга тушса, ҳозир у ҳам худди шундай аҳволда қолди. Аъзойи бадани япроқдай қалтирай бошлаганини ҳис этиб, Алимардоннинг ёқасига ёпишди. – Ёлғон айтасан, мараз! Алимардон ҳузур қилиб кулди.

Бор, ишонмасанг ўзидан сўра! – У Анварнинг қўлини ёқасидан олиб ташлаб, дона-дона қилиб таъкидлади: - У менга тегади, билдингми?! У менга тегишга мажбур!

Ўқувчилар ўз имкониятлари даражасида жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Агар улар жавоб беролмаса ўқитувчи кўмаги керак бўлади. Бу асардаги тугунга мисол бўлишини болаларга уқтиради.

Қиссадаги воқеалар, композицион воситалар, сюжет элементлари, шакл ва мазмунга хос унсурлар ягона тизим асосида жойлашган бўлиб, улар асар структураси табиятини кўз ўнгимизда намоён этади. “Баҳор қайтмайди” асарининг сарлавҳасиёқ қиссанинг семиотик-маъно маркази вазифасини ҳам ўтайди. Ўқитувчи ўқувчиларига нима учун асарга адиб баҳор қайтмайди деб сарлавҳа қўйганлигини ўйлаб кўринг? Сиз асарга қандай ном берган бўлар эдингиз? каби саволлар бериши ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, мустақил фикрловчи шахс сифатида тарбиялаш адабиёт дарси олдига қўйилган устувор вазифадир. Бунга ўқувчиларда китобхонликни кенг тарғиб этиш, ўқиган асарларини бадиий таҳлил қилиш орқали эришилади.

Ўқитувчининг дарсда бир қатор интерфаол усулларни қўллаши ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди ва уларни дарс давомида фаол иштирокчига

айлантиради. Шундай методлардан бири “Ўзинг англа” методи. Ушбу метод талабига кўра дарс жараёнида таҳлил қилинаётган бадиий асар номи яширилади. Асар ҳақида бирор бир таниқли шахслар томонидан айтилган фикр ёки асар қаҳрамонлари тилидан айтилган сўзлар топишмоқ тарзида келтирилади. Бу жумбоқни ўқувчилар ечишлари лозим. Масалан, “Баҳор қайтмайди” қиссаси қаҳрамони тилидан айтилаётган машҳур кўшиқнинг аудио шакли ўқувчиларга эшиттирилади:

Яхши қол, эй дилбарим дилдек қадар кетмоқдаман,

Ишқ аро энди ҳолим зеру забар кетмоқдаман[1].

Сўнгра улардан мазкур кўшиқ ижроси кимлиги ҳамда асарда мазкур кўшиқ қайси қаҳрамонлидан айтилганлиги сўралади. Ўқувчилар бу кўшиқнинг ижроси Ҳожиакбар Ҳомидов эканлигини, “Баҳор қайтмайди” асар қаҳрамони Алимардон тилидан айтилганлигини топишлари мумкин.

Дарснинг ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш босқичида “Тилсим усули” интерфаол усулидан фойдаланилади. Бу усул орқали янги мавзунини ўтишдан аввал ўтилган мавзу мустаҳкамлаб олинади. Синф доскасига бугунги дарсда ўтиладиган асар муаллифининг расми ёпиштирилиб, атрофига конвертлар елимланади. Кўрғазманинг охириги қисмига ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар расм атрофига ёпиштирилган конвертларга солинади. Тайёрланган саволлар икки ёки уч ижодкорга тегишли бўлиб, ўқувчилар расмдаги муаллифга тегишли бўлган саволни оладилар ва расм атрофига ёпиштириб чиқадилар. Масалан, конвертга Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасига тегишли бўлган саволларни танлаб оладилар ва жойлайдилар. Саволлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Алимардоннинг ўғли Шавкат билан тўқнашуви саҳнасини кўз олдингизга келтиринг. Инсонга тақдим этилган ҳаётни қандай ўтказиш инсоннинг ўзига боғлиқ, деб ўйлайсизми?
2. Қаллиқлар одамларнинг кўзиданузокда учрашиб юрар эдилар. Қиз узоқлашиб кетганидан кейин Тоҳир ҳам мажнунтоларнинг панасидан чиқди.

Ўқитувчи томонидан тузилган саволларнинг жавобини ўқувчилар Ўткир Ҳошимовгагина тегишлисини ажратиб оладилар.

Янги мавзу баёнида ўқитувчи “Мен уни танийман” усулини қўллаши мумкин. Бу усул юқоридаги усулнинг давоми бўлиб, ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Чунки ўқувчилар дарснинг олдинги босқичида Ўткир Ҳошимовга алоқадор бўлган саволларни ажратиб олиб конвертга жойлаган бўладилар. Дарснинг мазкур босқичида эса ўша саволларига жавоб берадилар. Ўқувчилар конвертдаги саволларни олиб, унда яширилган образ ва уларнинг сифатларига диққат қилиб, асар қаҳрамонини аниқлайдилар. Ўқувчилар Алимардон, Анвар, Муқаддам каби қаҳрамонларга тегишли бўлган таърифни ўзига яқин бўлган дўстидай: Мен уни танийман,....деб таъриф беришдан бошлайди.

Шу куни ажойиб воқеа бўлди. Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир кимгадир интизор бўлди. Кимнингдир қалбига қор ёғиб чиқди.

Тўйга бутун қишлоқ йиғилди. Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади. Қонқус тун бўйи ғазаб билан, алам билан тўлғаниб оқди.

Ҳаёт шунақа экан. Гоҳо кимнингдир мотами кимгадир байрам бўларкан[3]!

Юрагини тилимлаб ташлаган хабарни ҳазилга йўйишга ҳаракат қилгандек шуурсиз жилмайди. Югуриб бориб, Алимардонни елкасидан ушлаб, ўзига қаратди.


Овсар! Шунақа нарса билан ҳазиллашадими одам?! Алимардон хайрон қолгандай қошини чимирди[3].

“Қаҳрамонлар сўзлайди” методи . Ушбу методда асар қаҳрамонлари тилидан айтилган гаплар ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ёки слайдда кўрсатилади. Гуруҳлар ушбу жумлаларни эшитиб, қайси қаҳрамонга тегишли эканлигини, қачон ва қандай мақсадда айтганликларини сўзлаб беради.

Ўқитувчи дарс давомда қисса матнига бир неча бор ўқувчиларни жалб қилади, чунки мавзунини янада чуқурроқ мустаҳкамлаш учун дарс жараёнида “Асар қаҳрамонлари сахнада” усулидан фойдаланилади.

“Эпизод” усулиасосида ҳар бир гуруҳ келишган ҳолда асарнинг эътиборга молик жиҳатларини сахна кўриниши сифатида кўрсатиб берадилар. Бунда асарнинг кульминацион нуқтаси тасвир этилган бирор лавҳа ўқувчилар томонидан сахналаштирилиши мумкин. Масалан...

Машғулот давомида “Мусбат ва манфий ” усулини ҳам қўллаш дарс самарадорлигини оширади. Топшириқ шартига кўра ўқувчилар асардаги образлар, тимсоллар ҳақиқий ўзларининг шахсий фикрларини жадвалга солади. Уларнинг характери гахосхусусиятларасар матнига таянган ҳолда тўлдирилиши мумкин.

ОБРАЗЛАР	МУСБАТ	МАНФИЙ
		

**Уйгавазифа.** Уйгавазифа “Умрбаҳори” мавзусида матн яратиш

Хулоса қилиб айтганда, касб-хунар коллежларида адабиёт бўйича ўқиш ва ўқитишни интерактив методлар асосида йўлга қўйиш миллий таълим жараёнига янги босқичга кўтарди, ўқувчиларнинг билимларни мустақил ўзлаштириб, уларни кўникма ва малакалар ҳолига келтиришни тезлаштиради. Энг муҳими, интерфаол усуллар коллеж ўқувчиларининг маънавияти шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатадики, бу миллат ёшлари шахсиятининг баркамоллигига хизмат қилади.

**References:**

1. Hoshimov O'. Bahor qaytmaydi.- Toshkent.: 2013.-140-141-b.
2. F. Salayev. Adabiyotshunoslik atamalarining izohliso'zligi. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2010-yil. 185 bet.
3. Rafiev va boshqalar. Adabiyot. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. T.: 2014.